Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози


Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Нархи: 3 сўм.

1992 йил 17 сентябрь, пайшанба № 183 (21.281).

• Ўзбекистон ва жаҳон

БМТ вакиллари билан учрашув



Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА).

Учрашув пайти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Гали номига ёзган мактуби дунё афкор оммасининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Мустақил Ўзбекистоннинг минтақавий жанжалларни сиёсий воситалар билан бартараф этиш йўлидаги дастлабки қадами юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус вакили, БМТ махсус ишлар маҳкамасининг директори жаноб Раймонд Соммерейнсни қабул қилди. Президент жаноб Раймонд Соммерейнс ва унга ҳамроҳ бўлиб келган вакилларни самимий қутлаб, Бош котиб Бутрос Гали жанобларига ўзбек халқи ва Ўзбекистон ҳукумати номидан миннатдорчилик изҳор этди. — Ҳудуди ҳудудимизга туташ, дили дилимизга пайванд, пок ниятли эзгу мақсадларимизга муштарак қардош тожик халқининг бошига оғир кун-

(Давоми иккинчи бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 16 сентябрь куни Индонезия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Январ Марах Жанини қабул қилди. Элчи Ислом Каримовга Индонезия Президенти Сухарто ва Индонез халқининг самимий саломини ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрами муносабати билан йўллаган қутловини топширди.

— Ишонч ёрлиқларини Сизга топшириш, — деди элчи Президентга мурожаат этиб, — мен учун шарафлидир. — Сизнинг Индонезияга шу йили қилган сафарингиз иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

— Индонезия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қатори тан олганидан хурсандмиз, — деди И. А. Каримов. — Биз Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида турли соҳалардаги алоқаларнинг тезроқ ривожланишидан манфаатдормиз. Икки давлат бошлиқлари имзолаган шартномалар ана шу мақсадга хизмат қилади. Сизнинг Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганингиз, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги поғонага кўтаради, деган умиддаман.

Ўзбекистон Президенти Индонезия ҳукумати раҳбарларига, шахсан Президент Сухартога, Индонез халқига мамлакат равнақи йўлида муваффақиятлар тилади.

И. А. Каримов билан элчи ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

(ЎзА).



ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

ЯНВАР МАРАХ ЖАНИ

1929 йил 1 январда Индонезиянинг Ғарбий Явасидаги Бандунг шаҳрида туғилган.

1945 — 1949 йилларда — Мустақиллик учун бўлган урушда Силиван дивизиясида хизмат қилган. Ғарбий ва Марказий Явада жангларда қатнашган ва силиван дивизияси юришига қўшилган.

1950 — 1954 йиллар — «Миллат» хорижий хизмат академиясининг ижтимоий ва сиёсий фанлар факультетига ўқишга кирган.

1954 — 1956 йиллар — Ташқи ишлар департаментида иш бошлаган.

1956 — 1960 йиллар — Токиода вице-консул этиб тайинланган (Япония).

1960 — 1964 йиллар — Пеперти, Коти каби мудофаа аҳамиятига эга турли муассасаларда (мудофаа ва хавфсизлик олий қўмондонлиги) ишлаган, сўнг Бош вазирнинг Ғарбий Ириан ишлари бўйича ўринбосари бўлган.

1964 — 1968 йиллар — — Индонезиянинг Белградаги (Югославия) элчихонасининг биринчи котиби.

1968 — 1971 йиллар — Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН) Миллий котибиятида хизматда бўлган.

1971 — 1972 йиллар — АСЕАН Миллий котибияти ахборот бўлими директори.

1972 — 1975 йиллар — Пномпендаги (Камбоджа) элчихона маслаҳатчиси.

1975 — 1977 йиллар — Москвада элчихонада хизматда бўлган.

1977 — 1981 йиллар — АСЕАН Миллий котибияти ижтимоий ва маданий алоқалар бўлими директори, бош котиб ўринбосари.

1981 — 1985 йиллар — Индонезиянинг Варшавадаги (Польша) фавқулодда ва мухтор элчиси.

1985 — 1989 йиллар — дипломатия хизмати етакчи ходимлари курси директори.

1989 йилдан ҳозирга қадар Индонезиянинг Москва ва Улан-Батордаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

1992 йил августдан бошлаб Индонезия Республикасининг ўриндошлик бўйича Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчисидир.

Оилали, беш фарзанди бор.

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг яқинда Тожикистондаги қонли воқеалар муносабати билан ўтказган матбуот конференцияси ёдингизда бўлса керак. Президентимизнинг маҳаллий ва чет эллик журналистлар билан куни кеча ўтказган навбатдаги учрашуви ўша мулоқотнинг давоми бўлди дейиш мумкин. Гап яна ўша муаммо — Ўрта Осиё минтақасида Тожикистон ва Афғонистондаги можаролар боис сақланиб турган хавфли вазият ҳақида борди.

Ўзбекистон раҳбари бу мавҳумиятдан қаттиқ ташвишга тушаётганини яна бир бор таъкидлаб айтдики, Афғонистонда тинчлик ўрнатилмаса, бутун минтақада ҳаёт осойишта кечиши қийин. Буни Тожикистонда юз бераётган воқеалар-да, яққол кўрсатиб турибди. Уруш оловини ўчиришга Ўзбекистон ҳам ҳисса қўшиши зарур. Тўғрироғи, у аллақачон бу хайрли ишга киришди.

Маълумки, бундан бир неча кун бурун Ўзбекистон раҳбари БМТнинг Бош котиби Бутрос Гали жанобларига хат ёзиб, жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Тожикистонда вужудга келган мураккаб вазиятга жиддийроқ қаратишга чақирган эди. Бош котиб Ислом Каримовнинг бу ташаббусига хайрихоҳлик билан жавоб берди. БМТнинг нуфузли делегациясини Тожикистон сари йўллади.

Бу борада амалга оширилган яна бир иш тожик-афғон чегарасига Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия ҳарбийларидан иборат ёрдам кучининг етиб келиши бўлди. Ўта хавфли сарҳад қатъий назоратга олиниб, бемаврид ва берухсат борди-келдиларга кескин чек қўйилди.

(Давоми иккинчи бетда).

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ РАҲБАРИ БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим!

Муҳтарам Раббоний жаноблари!

Сизга мурожаат этиш ва айни пайтда афғон халқига самимий истакларимни етказиш имкониятидан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Биз учун афғон халқи Оллоҳнинг иродаси ва тақдир тақозоси билан минглаб йиллар давомида ёнмаён яшаб, ҳамдардлик кўрсатган қардош ва қариндош бўлган халқлардан биридир.

Кўҳна Афғонистон диёрида кўплаб ўзбек авлодлари ўз бахтларини топдилар. Бу ерда жаҳон маданиятининг буюк алломаси, бобокалонимиз Мир Алишер Навоий, аждодларимизга мансуб бошқа табаррук шахслар из қолдирганликлари биз учун тарихнинг муқаддас саҳифаларидир.

Ўтмишимизнинг чамбарчас боғланган, кўп даврлар давомида ягона бўлган тарихи, айниқса, Ислом фалсафаси ва руҳияти билан суғорилган ва минтақамиз халқларини бирлаштирган маънавий ришталар, урф-одатлар, анъана ва қадриятларимиз бирлиги ҳаммамиз учун катта куч ва мадад берувчи ва қудратли манбадир.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасида ҳеч қачон кескин тўқнашувлар бўлмаганида катта рамзий маъно бор. Заҳматкаш афғон халқи кўрган катта мусибатлар биз учун ҳам оғир дард бўлиб келди. Худога минг қатла шукурки, эндиликда Афғонистон ташқи жоҳил кучларнинг тинимсиз ҳуружларидан, уларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларидан қутилди. Аммо бу ерда 13 йил давом этган аёвсиз уруш мобайнида минг-минглаб одамларнинг нобуд бўлиши, сон-саноқсиз етимесирлар, мислсиз вайронагарчилик ва жароҳатлар, тинчлик ва осойишталик нималигини унутган афғон халқининг дарди ва алами — XX асрнинг улкан фожеасидир.

Мустақиллик ва истиқлол уфқлари сари интилаётган Ўзбекистон эндигина ўзининг бош мақсадларини ўзи белгилаш, асл дўстларини ўзи аниқлаш, озодлик, тенглик ва адолат ҳақидаги асрий орзу-умидларини ўзи ифодалаш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳозирги кунда республикамиз Шарқ минтақасидаги кўплаб давлатлар билан ибратомуз ҳамкорлик қилмоқда. Ён қўшнимиз — Афғонистон халқи билан туб маънода қардошлик муносабатларини ривожлантириш эрксевар ва садоқатли Ўзбекистон аҳлининг асл ниятидир.

Авлод-аждодларимиз руҳи, халқларимизнинг эзгу ниятлари эндиликда барчани хотиржамликка, тинч меҳнатга, қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорламоқда.

Жаноби олийлари, Сизни фурсат топиб Ўзбекистонга ташриф буюришингизни ва юксак мартабали меҳмонимиз бўлишингизни сўраймиз. Имоним комилки, азалдан меҳмондўст ўзбек халқи Сизни катта самимият ва эҳтиром билан кутиб олади.

Халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида дўстона алоқалар мустаҳкамланишида Худонинг ўзи ёр бўлсин!

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ИШИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ, УНИНГ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Марказий Кенгаш матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимининг хати ва «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятининг таклифлари Сиёсий Ижроия қўмитаси мажлисида кўриб чиқилиб, қабул қилинган бу қарор газетани шаклан ва мазмунан ҳозирги талаблар даражасида сифатли қилиб чиқариш, ҳар бир ижодий ходим фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳозирги қийин иқтисодий шароитда уларни ижтимоий ҳимоялаш ва ижодий изланишга рағбатлантириш, газетага истеъдодли муаллифларни кенг жалб этиш мақсадларини кўзлайди.

Шунга кўра Сиёсий Ижроия қўмитаси газета таҳририятининг ўзгарган ва такомиллашган лавозимлар тузилмасини тасдиқлади, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» хафталиги ходимлари маошларини ва «Ўзбекистон овози» газетасида муаллифларга тўланадиган қалам ҳақини ошириш масалаларини ижобий ҳал этди.

Қарорга мувофиқ «Ўзбекистон овози» газетаси вилоят мухбирлари бундан буён Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашлари биносидан зарур даражада жиҳозланган иш хонасидан фойдаланадилар. Мазкур хона газетанинг вилоятдаги жамоатчилик қабулхонаси хизматини ҳам ўтайди. Шунингдек вилоят мухбирларини зарурат даражасида транспорт воситаси билан таъминлаш вилоят партия кенгашларига юклатилди. Газета мухбирларининг ҳаётий тажрибаси, ижодий қобилиятлари партия ишида асқотишини назарда тутиб ҳамда партия ҳаёти масалаларида мухбирлар доимо воқиф бўлиб туришлари зарурлигини ҳисобга олиб, Сиёсий Ижроия қўмитаси ўз қарорида «Ўзбекистон овози» вилоят мухбирларини вилоят партия кенгашларининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари таркибига киритишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Ушбу қарорни бажариш Марказий Кенгаш матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими, Ишлар бошқармаси, вилоят партия кенгашлари ва «Ўзбекистон овози» газетаси муҳарририятига зиммасига юклатилди.

ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМАСИ КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ш. Р. РАШИДОВ 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Исмоил Ҳакимович, ўзбек халқининг атоқли фарзандларидан бири таниқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги санасига оз вақт қоляпти. Республика шаҳар ва қишлоқларининг жуда кўп меҳнат коллективлари, маданият муассасалари юбилейга қизғин тайёргарлик кўряптилар. Сиз бошчилик қилаётган юбилейни ўтказиш ташкилий комиссиясининг ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қароридан сўнг тузилган ташкилий комиссия мажлисларида бажариладиган ишлар режаси, вилоятларда ўтказиладиган тадбирлар муддатлари, Ш. Рашидовнинг музейини ташкил қилиш ва, номини абадийлаштириш, унинг асарларини ва шунингдек, бу буюк инсон ҳақидаги хотира китобини чоп этиш, бошқа бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Дастлабки мажлисдаёқ Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш хусусида комиссия аъзоларининг Очиқ хати эълон қилинди.

Шароф Рашидов ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти давомида республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва районларини ривожлантириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилган. Комиссия номига деярли барча шаҳар ва районлардан мактублар, шошилинч хабарномалар келиб турибди. Уларда айтилган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар комиссия белгилаётган тадбирлар мазмунини кенгайтирмоқда. Меҳнаткашларнинг фикрлари асосида аниқ ишлар режалаштирилдики, булар менинг назаримда, бутун ўзбек халқи хоҳиш-иродасини ифодалайди. Масалан, музей ташкил этиш, айрим жойлар, тузилмаларга Ш. Рашидов номини бериш, унинг номидаги жамғарма фондини ташкил этиш ишлари айнан меҳнаткашларнинг таклиф ва ташаббуслари асосида амалга оширилмоқда.

— Айни шу кунларда Шароф Рашидович билан ёнма-ён ишлаган, уни яқиндан билган кишиларнинг фикрларини эшитиш ғоят муҳим. Исмоил Ҳакимович, сиз узоқ йиллардан бери республика халқ хўжалиги раҳбариятида меҳнат қиляпсиз, сизнинг бевосита иштирокингизда қатор-қатор йирик тадбирлар амалга оширилган ва ошириляпти. Ш. Рашидов билан қандай ҳамкорлик қилганингиз ҳақида икки оғиз айтиб беролмайсизми!

— Дарвоқе мен Ш. Рашидов раҳбарлик қилган даврда шаклланган ходимлардан бириман. Лекин сиз берган саволга икки оғиз гап билан жавоб бериш мушкул вазифа. Шароф Рашидов нафақат Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё, балки бутун Шарққа танилган арбоб эди. Бу ҳақда кўп марта айтилган, ёзилган, юксак минбарларда туриб тан олинган.

ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-МАЪРИФАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТИКЛАШ, ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ, ФАН-ТЕХНИКА МАДАНИЯТИНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ

Афсуски, 80-йиллар қатағон даврида жонажон Ўзбекистонимизга, унинг халқи шаънига қаратилган қора тошларнинг кўпи Шароф Рашидовга қарши мўлжаллаб отилди. Марказдан юборилган гдлянлар, ивановлар қолиб ўз ичимиздан чиққан сотқинлар ҳам Шароф Рашидов номини булғашга ҳаракат қилдилар. Собиқ Иттифоқ олий раҳбарияти номидан келиб республикада қайта қуришни амалга оширмоқчи бўлганлар ўзбек халқини маънавий жиҳатдан эзишни халқ отасига қарши хуружлар қилишдан бошладилар. Чунки отаси қораланган фарзандлар боши эгилиб қолишини шундай ишларнинг «режиссёрлари» яхши билишади. Таассуфки, бундай оддий ҳақиқатни катта кабинетларда ўтирадиган анчагина раҳбар ходимларимиз ўз пайтида тушуниб етмадилар. Оқибатда Ш. Рашидов номига қарши қилинган ноҳақ ҳаракатлар аста-секин унинг шогирдларига, ва қолаверса, республика туб халқига қаратила бошлади.

Тўғри, беайб-парвардигор, дейдилар. Лекин шахсга баҳо берган, айниқса раҳнамо даражасидаги кишига баҳо берганда унинг даври шарт-шароитларини, айни шу даврда у амалга оширган аниқ ижобий ишларни ҳам биринчи навбатда ҳисобга олиш лозим эмасми? Шароф Рашидов амалга оширган ишлар бисёру беқиёс. Мен ўз фаолиятим доирасига яқин бўлган тармоқлардаги ўзгаришлар ҳақида айтишим мумкин. Ш. Рашидов республикага раҳбарлик қилган чорак аср давомида жумҳурият харитасида ўнлаб шаҳарлар, районлар сув хўжалиги йирик иншоотлари, кўпдан-кўп йўллар пайдо бўлди-ку. Тошкент шаҳрида бунёд қилинган ер ости қасри — метрополитен, замонавий саноат корхоналари, уй-жойлар қурилишида, кўркам Халқлар дўстлиги саройи яратилишида у кишининг жуда катта улуши бор. Ана шу сарой пойдевори остида ҳам Ш. Рашидов қўли билан битилган авлодларга мактуб сақланмоқда.

Ҳозирда аср дардига айланган Орол тақдири Шароф Рашидовични тинмай безовта қилганини биламан. Айнан унинг саъйи ҳаракатлари, бошқаларни ишонтириш маҳорати туфайли ҳамиша ҳам Ўрта Осиё гуллаб-яшнашини истамайдиган марказ Сибирь дарёларини Оролга оқизиш лойиҳасига рози бўлган эди. Юзлаб илмий тадқиқот ташкилотлари ишлаб чиққан лойиҳа унинг ҳимоячиси оламдан ўтиб номига қора бўёқ чапланганидан кейин бир пасда гумдон қилинди. Лойиҳани ишлашга кетган миллионлардлар орасида ўзбек халқининг ҳам мисқоллаб йиғган маблағлари ҳам бор эди. Эссиз!..

Халқимизнинг бахти бор экан. Мустақиллик шарафига муяссар бўлдик, Ш. Рашидов номига қилинган асоссиз бўхтонларга кескин зарба берилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов

ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМАСИ КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

дов ҳақида ҳақиқатни айтди. Ислом Абдуғаниевич айни пайтда Шароф Рашидовга шахсий садоқатни эмас, балки халқимизнинг Шароф Рашидовга бўлган самимий муносабатини ифодалади. Халқимизга яна бир ҳақиқат рўй-рост маълумки, Шароф Рашидов ҳаёт пайтида бирон марта ўзининг юбилейини ўтказишга ижозат этмаган эди. Бошқаларнинг муҳим ҳаётий саналари, ҳатто туғилган кунларини муносиб нишонлашга интилган Шароф Рашидов ўз шахсини сира ўзи юқори кўтаришга интилмаган. Биз бугал атоқли ватанпарвар камтарин инсоннинг руҳи олдида таъзим қилиб, ўтмай қолган юбилейларини ҳам ҳисобга олиб иш қилишимиз даркор. Шундай экан, халқ иродасига қулоқ солиб, Шароф Рашидовнинг 75 йиллик тўйини умумхалқ тўйига айлантирайлик. Одамларимиз яхшиликлар, эзгуликлар, эртами-кечми ғалаба қозонишига адолатсизлик ва ноҳақлик чекинишига яна бир бор ишонсинлар.

— Комиссия мажлисларидан бирида Шароф Рашидов номли жамғарма тузилганлиги, унинг Низоми маъқулланганлиги хабар қилинган эди. Жамғарманинг мақсад ва вазифалари ҳақида муштарийларга маълумот бера оласизми?

— Аслида, табаррук инсон номи билан жамғарма ташкил қилиш ташаббуси туғилганига анча бўлган эди. Майли, ҳақ ишнинг кечи йўқ, дейдилар. Жамоат ташкилоти сифатида ишлайдиган Шароф Рашидов номли жамғарма тузилди ва унинг Низоми республика Адлия вазирлигида қонуний рўйхатдан ўтди.

Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари Ўзбекистонда илму-маърифатни ривожлантириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларимизни тиклаш, иқтидорли ёшлар ва маданият арбобларига ғамхўрлик кўрсатиш билан боғлиқ. Чунончи, истеъдодли ёшларни тарбиялаш ва рағбатлантириш, фан-техника, маданиятни тараққий эттириш, табиатни муҳофаза этиш, тарихий маданий ёдгорликларни сақлаш, шу мақсадларда замонбоп корхоналар, ижодий ишлаб чиқариш фирмалари ташкил қилиб улардан тушган фойда ҳисобига ёшларни ўқитиш, уларга моддий ёрдам бериш, республикада фан-техника, маданиятни ривожлантириш, илғор технологияларни ва жаҳон илмий ютуқларини жорий этиш, илмий, маданий, адабий меросни ўрганишни ташкил қилиш кўзда тутилган.

Жамғарма Низомида Ўзбекистон тараққиётига катта улуш қўшган атоқли давлат арбоблари, фан, техника, адабиёт ва санъат ходимларининг хотираларини абадийлаштириш, уларнинг номларидаги мукофотларни таъсис этиш белгиланган. Жамғарма иқтидорли йигит-қизларни жаҳоний билим олишлари учун чет элларга юборади. Талабалар учун махсус стипендиялар белгилайди. Шунинг дек, замонавий ўқув юртлари очади. Спорт ва саёҳатни ривожлантириш, олимларнинг, ёш талантларнинг асарларини чоп этиш ва тарғибот қилиш мақсадида ноширлик фаолияти билан шуғулланиш ҳам жамғарма вазифалари сирасига киради. Хуллас, Ш. Рашидов номли жамғарма Ўзбекистон тараққиёти ва мустақиллигини таъминлаш учун курашадиган барча ташкилотларга, корхоналарга ва фуқароларга яқиндан ёрдам беради.

Жамғарма давлат ва ҳукуматдан холи бўлиб, унга жамғарма Низомини тан оладиган жамоалар, хорижий жамоалар, турли бирлашма, меҳнат коллективлари ва айрим шахслар аъзо бўлиб кира оладилар. Жамғарма асосан жамоатчилик асосида бошқарилади. Жамғарма Ш. Рашидов ҳаётлик пайтида бошланган, асарларида олға сурган саҳоватли ишларни амалга оширади. Халқимизга хос бўлган илмий маърифий ишларни Ш. Рашидов номи билан амалга оширади.

Шуниси қувончлики, жамғарма очилиши ҳақида хабар қилиниши биланоқ унга кетма-кет маблағлар туша бошлади. Бу ҳақда комиссия номига, Ш. Рашидов ўз пайтида бир неча йил муҳаррир бўлиб ишлаган «Ўзбекистон овози» редакциясига, республика ҳукумати номига хат-хабарлар кела бошлади. Айниқса Шароф Рашидов қадами етиб пайдо бўлган шаҳар ва районлар, бевосита унинг аралашуви билан қад ростлаган саноат корхоналари, кўпдан кўп хўжаликлар жамғармага бажонидил маблағ ўтказаётирлар. Ш. Рашидов жамғармасига ҳисса қўшиш уни яқиндан таниган, билган кишилар, унинг саховати билан пешонаси ярқираган шогирдлари, ихлос қўйган барча кишилар учун муқаддас иш бўлиб қолиши керак.

Ўз мустақиллигининг иккинчи йилига дадил қадам қўйган республикамиз халқи ўз фарзандларини ҳамиша муносиб қадрлаши ва ардоқлаши керак. Бу фазилат халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Шундай адолатли кунлар келганда марҳум устозлар, алломалар хотирасини ўрнига қўйиб эслаш ҳар биримизнинг олийжаноб бурчимиздир. Республикани чорак аср бошқарган, айни пайтда туғма истеъдоди билан ижодиётга ҳамвақт топган ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидов шундай ардоқларга муносиб инсон. Моҳир ташкилотчи, ўта камтар, камсуқум шахс бўлган Шароф Рашидов руҳи олдида биз унинг замондошлари ҳали анча қарздормиз.

Суҳбатдош А. АБДУБАННОПОВ.

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙ

● ЖАМҒАРМА ҲИСОБИГА МАБЛАҒ КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунгача унинг банкдаги ҳисобига бир гуруҳ қаламкашлардан, чунончи Сирдарё вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашидан 5 минг сўм, Тошкент шаҳар мева-сабзавот бирлашмасидан 10 минг сўм пул тушди.

Эслатиб ўтамиз: Шароф Рашидов номли жамғарманинг банк ҳисоблари:

СЎМЛАР УЧУН — Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Тошкент шаҳар операция бошқармасининг Ҳисоб-китоб марказида ҳисоб рақами — 000700825, код рақами 172682116;

ВАЛЮТА УЧУН — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банкида Шароф Рашидов номли жамғарманинг ҳисоб рақами — 97380090/001.

Жамғармага ҳисса қўшган жамоалар ва айрим фуқароларнинг номлари газетада бериб борилади.

Маълумотлар юбориш учун манзилгоҳ:

Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй, 346-хона. Шароф Рашидов номли жамғарма кенгаши. Телефонлар: 33-65-45; 33-41-89; 32-74-33.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Агар Тожикистонда отишмалар саси камроқ эшитила бошлаган бўлса, ушбу саъй-ҳаракатларнинг ҳам ҳиссаси бор. Аммо қўшни мамлакатдаги уруш оловининг чиқишида Афғонистондаги муҳорабаларнинг ҳам таъсири борлиги сир эмас. Бу таъсир нафақат тожиклар юртида, катта қийинчиликлар эвазига осойишталик сақлаб турилган қўшни мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўзлигини кўрсатиши мумкин. Очиғи, кўрсата бошлади ҳам.

Афғонистонлик фуқаролар чегараларимизни бир неча марта бузиб ўтганидан хабарингиз бор. Бу ҳақда ҳукуматимиз томонидан Афғонистонга билдирилган норозиликлар жавобсиз қолди. Бу ўн уч йилдан буён қон кечиб яшаётган юртда сиёсий ҳокимиятнинг ҳали заифлиги билан изоҳланади. Афсуски, биродарларимиз тожиклар диёрида ҳам айнан шундай вазият вужудга келди.

Ислом Каримовнинг ўтган саратонда Покистонга қилган сафари вақтида имзоланган айрим шартномаларнинг келажакдаги тақдири Афғонистондаги вазиятга боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Хусусан, режалаштирилаётган Термиз—Кароучи автойўли қурилишининг талай қисми афғон заминидан ўтади. Жанубий қўшнимизнинг юртида вазият ҳозиргидек қолаверса, нафақат Ўзбекистон ва Афғонистон, бутун Ўрта Осиё Покистон давлатлари учун ҳам сув билан ҳаводек зарур бу иншотнинг тақдири хавф остида қолади.

Шунинг учун, деб таъкидлади мамлакатимиз раҳбари, Афғонистон билан давлат алоқаларини боғлашимиз, вазиятни, аниқлаш учун музокаралар олиб боришимиз зарур.

Ислом Каримов Афғонистоннинг ҳозирги расмий раҳбари Бурҳониддин Раббоний жаноблари шундай олижаноб ниятда Тошкентга таклиф этажагини маълум қилди ва журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Қулман ОЧИЛ. (ЎзА).

БМТ вакиллари билан учрашув

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

лар тушганда ўзбек халқи лоқайд қараб туролмайди. Халқаро ҳамжамиятга мурожаат этишдан кўзлаган ягона мақсадимиз айрим мухолиф гуруҳлар ўртасида бўлаётган жанжалларнинг узундан-узоқ фуқаролар урушига, қолаверса, минтақавий қарама-қаршиликларга айланиб кетишига йўл қўймасликдир, — деди давлат бошлиғи.

Ўзбекистоннинг минтақада кескинликни юмшатишга қаратилган дадил сиёсий қадамига юксак баҳо берган жаноб Раймонд Соммерейнс, юзаки қараганда, Тожикистонда бўлаётган воқеалар Афғонистон, Тоғли Қорабоғ ва Югославия ҳамда дунёдаги бошқа минтақавий жанжаллардан табиатан фарқ қилади, бироқ уларнинг янги кескинлик ўчоғига айланиш хавфи борлигидан халқаро ҳамжамият қаттиқ ташвишдадир, деб айтди. БМТ Бош котибининг махсус вакили халқаро ҳамжамият Тожикистонда бўлаётган воқеаларни изчил ўрганишга киришганини ва бу масъулиятли ишда Туркистондаги барча давлатларнинг фаол иштирок этиши таъминланишини маълум қилди.

Самимий қабул маросими ва қизғин суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи муовини И. Жўрабеков, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири У Абдураззоқов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ, ЎзА мухбири.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ИНСОННИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ БЎЛСИН

● Дарҳақиқат, ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда кишиларнинг моддий-ижтимоий таъминотини яхшилаш, халқ осойишталигига эришиш жамиятни барқарор ушлаб туришнинг муҳим воситасидир.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленуми ана шундай долзарб вазифага бағишланди. Унда кенгаш аъзоларидан ташқари вилоят идора ва ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва район ҳокимлари, партия кенгашларининг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар.

ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. А. Нишонов бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш борасида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Пленум қатнашчилари шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг моддий турмушини янада яхшилаш мақсадида ишбилармонликни, иш юритишнинг турли усулларини кенг қўлланиш ҳамда бундай эзгу ҳаракатларга кенг йўл очиб бериш зарурлигини таъкидладилар.

Пленум ишида вилоят ҳокими П. М. Абдураҳмонов нутқ сўзлади.

Ф. ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

НОН ЎРНИГА ЎҚ

«ИЗВЕСТИЯ»НИНГ МАХСУС МУХБИРЛАРИ ВАДИМ БЕЛИХ БИЛАН НИКОЛАЙ БУРБИГА ТОЖИКИСТОНДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

— Бу ерда ким хўжайин? Биз хўжайинмиз... — пешонасига оқ рўмол боғлаб олган, кўзлари ола-кула барзанги «Уазик» машинамизнинг эшигини очдида, овозини борича бақирди:

— Чиқ бу ёққа...

Биз, икки мухбир, ҳайдовчи аскар билан ҳамроҳимиз подполковник бизга қаратилган автоматларнинг сумбатига тикилиб, машинадан тушдик. Соч-соқоли олинмаган, дарғазаб бир неча жангари ҳужжатларимизни кўздан кечира бошлади, бошқалар машинани тинтишга киришдилар. Улар биз билан бирга кетаётган одамларнинг ҳарбий кийимларига ҳам, антеннага илиб қўйилган Россия байроғига ҳам парво қилишмади.

Ҳолбуки, бу байроқни бутун қисм қидирган эди. Ҳатто йўлга чиқишга ҳам кечикдик. Ҳеч бўлмаса шу байроқ машинамизни саёқ ўқлардан ва йўлдаги тўсиқлардан асрайди, деб умид қилган эдик. Полк командири Меркулов жангариларнинг раҳбарларига телефон қилиб, уларни огоҳлантирган, тегмасликни илтимос қилган эди. Унга ҳамма ваъдани беришган, лекин йўлимизни тўсган автоматчиларнинг ўз раҳбари ваъдаси билан икки пуллик иши йўқ эди. Кўзига қон тўлган, жазо йўлидан ва осонгина ғалабадан маст бўлган бу одамлар ҳеч кимга бўйсунишни ҳоҳламас эдилар. ..

«ВОВЧИК»ЛАР ВА «ЮРЧИК»ЛАР

Қўрғонтепадаги уйларнинг деворларида варақалар пайдо бўлди. Бу варақалар осойишталикка ва ишга чиқишга даъват этади. Лекин уларга ҳеч ким ишонмайди. Бу ҳам тушунарли: отишма тинмаяпти, ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси ҳам дафн этилгани йўқ. Аслида, шаҳарда янги ҳокимият ҳукмрон. Амалдорларнинг кўпчилиги ўз лавозимларида қолган бўлса ҳам, энди улар ҳеч нарсани ҳал қилишмайди. Ҳамма ишга «вовчик»лар бошчилик қилишмоқда. Ҳозирги пайтда Тожикистонда ваҳҳобийларни — мусулмон динидаги ақидапарастликка қаттиқ берилган оқимга мансуб кишиларни шундай деб аташади.

«Вовчик»лар сафларида асосан ғармликлар, қоратегинликлар, помирликлар жанг қилишмоқда. Айтишларича, уларни ислом тикланиш партияси қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг рақибларини «юрчик»лар деб аташади. Улар асосан кўлобликлар, Хўжанд (собиқ Ленинобод) вакиллари, шунингдек, бўлғуси соф ислом тожик республикасида жой топилмайдиган кишилар — руслар, ўзбеклар, қирғизлар, татарлар, туркманлардир... Тўғри, бу қарама-қаршиликни аслида шартли деб ҳисоблаш мумкин, чунки, маълум бўлишича, республика аҳолисининг кўпчилиги «юрчик»лар билан «вовчик»лар нима учун жанг қилаётганликларини, уларнинг ўртасида қандай тафовут борлигини билмайди. Ҳа, бирбирига қарши томонларнинг кўпгина жангчилари «бизникиларни отишяпти — биз қараб турамизми»... қабилида ҳаракат қилмоқдалар.

Марҳумлар қаторига янгиси қўшилиши биланоқ унутилиб кетган ашаддий ўч олиш яна тикланмоқда. Кўз олдимизда муддатдан ташқари хизмат қилаётган катта сержант Олег Муродов полк командирининг ҳузурига келиб, Сангак исёнчилар армиясига қўшилажагини айтди. Финляндияда таълим олган бу менежерга ҳаётда шундан бошқа йўл қолмади. Унинг онаси ва хотини — рус, аммо отаси кўлоблик, икки акаси бошқа томонда жанг қилмоқда. Шу сабабли қисмда Муродовга ишонишмайди, шаҳарни эгаллаб олган ваҳҳобийлар унга ва оиласига таҳдид солмоқдалар.

Иккала томон ҳам ҳеч нарсадан тап тортмай ғалабага қадар жанг қилишга бел боғлаганига ишонч ҳосил қилдик. Биз жўнаб кетишимиздан олдиноқ «вовчик»лар 1380 кишини миллий ўзинингўзи мудофаа қилиш полкига чақирилганини эълон қилдилар. Маҳаллий ҳарбий комиссариатлар уларнинг қўлига мингтадан кўпроқ автоматни топширди. Одамлар ҳарбий билетларига, меъёрий мотоўқчи полк штатига мувофиқ танлаб олинмоқда: миллий полкка механик ҳайдовчилар, тўпларнинг нишонга олувчилари, расчёт командирлари, алоқачилар чақириляпти... «Миллий ўзини-ўзи мудофаа қилиш» полки шаҳардан ташқарида жойлаштирилишини пеш қилишаётган бўлса ҳам, ҳеч кимда хом хаёл пайдо бўлаётгани йўқ: одамларни уруш ҳаракатларига тайёрлашяпти... Бунинг устига Қўрғонтепадаги Россия армияси полки техникасини келгусида қўлга киритишни мўлжаллашмоқда, эслатиб ўтамиз, ҳозир бу техникани атиги 40 нафар офицер қўриқлаб турибди.

Бир-бирига қарши курашаётган томонлар қандай ҳаракат қилишади? ҳарбийларнинг фикрича, «юрчик»лар ваҳҳобийларнинг ҳаракатларига жавобан худди шу дивизиянинг Кўлобда жойлашган пиёдалар жанговар машиналари билан таъминланган бошқа мотоўқчи полкини «хусусийлаштирадилар», бу полкда ўттиз нафар офицер қолган. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги пайтда бу шаҳарда афғон урушини бошидан кечирган кишилар Тожикистоннинг бошқа жойларига нисбатан кўпроқ.

«Юрчик»лар ва «вовчик»лар замонавий қуроллар билан зирх панасида бир-бирларига қарши жанг бошласалар, бу хунрезлик оқибатлари қандай бўлишини айтиш қийин...

РУСЛАРНИНГ ҚОЧИШДАН БОШҚА ИЛОЖИ ЙЎҚ

— Даҳшатга тушиб қолдик, эртага ҳолимиз нима кечишини билмаймиз, — дейди бошқа қочоқ аёллар билан биргаликда Россия полкига зўр-базўр етиб олган Вера Китаевна, — одамларни чинакамига ов қилишяпти. Куйбишев совхозидаги бизнинг бўлимимизга урушгача асосан руслар ва немислар яшаган. Ҳозир йигирматача рус оиласи, фақат битта немис оиласи қолди. Очлик бошланди. Нон ҳам йўқ. Баъзан кўлобликлар ёриб ўтишади — улар озиқ-овқат билан ёрдам беришади. Яқинда «вовчик»лар бостириб киришди, пулемётлардан ўқ узишди, ўн беш яшар Зина Ерастовани отиб ўлдиришди. Мана, ўша қизнинг онаси — Татьяна ўтирибди. Умуман кўп одамларимиз нобуд бўлди ва бедарак кетди. Мен таниганлар орасида Юрий ва Владимир Костелевлар, Николай Каргов ҳалок бўлишди.. Мени эса... Бу ерда ҳаммамиз гаровга қолган одамлармиз. Қаёққа кетиш мумкин? Йиллаб орттирган бойлигимизни талаб кетишди. Бунинг устига Россияда бизни кутишмаётган бўлса керак...

Бундай гапларни биз кўп эшитдик. Қон тўкилаётганидан, уруш кетаётганидан, рус қабристонлари таҳқирланганидан, православ черковига ўт қўйилганидан шикоят қилишди. Нисбатан осойишталик ҳукм сураётган Душанбеда ҳамма гап «русий забонликлар»нинг квартирани сотиш ва контейнерларда юк жўнатиш муаммосидан ташқарига чиқмаган экан, яна нима дейиш мумкин. Жўнаб кетиш учун ҳамманинг қурби етмайди. Беш тонналик контейнер учун 30 минг сўм талаб қилишади. Тожикистонда бу жуда катта пул. Чунки бу ерда иш ҳақи — бир ярим-икки минг сўм.

Тожиклардан бошқа барча аҳоли ҳеч муболағасиз тез орада жўнаб кетишни кутиб чемоданларини тайёрлаб қўйган. Ҳамманинг кайфияти ана шундай. Тожиклар эса уруш ҳаракатлари кетаётган жойлардан қочишяпти. Норасмий маълумотларга қараганда ҳозирнинг ўзидаёқ ўттиз мингга яқин одам Қўрғонтепа вилоятидан чиқиб кетди. Афсуски, республика раҳбарияти бу аҳвол ҳақида ҳеч нарса демаяпти, ҳалок бўлганлар тўғрисида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Умуман бу ерда бўлаётган воқеалар билан ҳеч кимнинг иши йўқ, деган таассурот пайдо бўлади. Қўрғонтепада жанглар давом этаётган, тинч меҳнат билан шуғулланувчиларни ўлдириш, қийноққа солиш давом этаётган пайтда Душанбеда лавозимларни тақсимлашди ва Мустақиллик кунини тантана билан нишонлашди. Мусаллик тарқалиш хавфи пайдо бўлса ҳам ҳарбийлардан ташқари бу иш билан шуғулланадиган одам топилмади. Шу тариқа майор ўз командаси билан оқ байроқ ўрнига сочиқ осиб қўйилган КаМАЗ машинасида шаҳар кўчаларини кезиб юрди. Пешонасини ўқ тешиб ўтиши хавфи бўлса ҳам мурдаларни тўплади. Бу аҳволни кўриб ўзини тута олмади, ҳалок бўлганларни «хотирлади», шундай «хотирладики», «юрчик»лардан бошлаб «вовчик»лар билан тугатди. Қўрғонтепадан жўнаб кетадиган кунимиз Ломоносов қўрғонида қочоқлар қолмаган эди. Уларни олиб кетиши лозим бўлган автобуслар постларда ушлаб турилган, Ўзбекистондан келаётган одамийлик ёрдамини шаҳарга ўтказишмаган бўлса ҳам, бошпанасидан маҳрум бўлган, таланган кишилар яширинган бу орол ҳувиллаб қолди. Одамлар юк машиналарида, пиёда жўнаб кетишди. Ўша вақтда ҳали тўсиб қўйилмаган бирдан-бир Кўлоб йўли орқали жўнаб кетишди. Болаларини етаклаб, тугунларини кўтариб, виззилаб ўқ остида жўнаб кетишди. Бу ерда қолиш очликдан, мерганларнинг ўқидан ҳалок бўлиш демак эди. Қўрғонда қолганлардан эса ўч олишди. Қўрғон — қалъа эмас, ҳамма кириш-чиқиш йўлларини беркитиб бўлмайди. Бизнинг кўз олдимизда овлоқ йўллардан Ломоносовга автоматчилар тушган «Волга» таксилари ёпирилиб кирар, одамларни машинага босиб орқага қайтиб кетишарди.

УЧИНЧИ КУЧ

Фронт чизиғи Калининобод томон силжиди, тилкапора мурдалар уюмлари ортда қолди. Аввалига иккала томон ҳам тинч аҳоли орасидаги қурбонларни бир-биридан кўрди, лекин тез орада «вовчик»лар ҳамма кулфатлар учун айбдор бўлган қандайдир «учинчи куч»ни излай бошладилар. Ана ўшанда Ургутмаҳалладаги ур-йиқитни мужоҳидлар кийимидаги рус десантчилари амалга оширди, деган афсона пайдо бўлди. Ҳарбийлар қўлобликларга иккита зирҳли транспортёр ва ўқ-дориларни совға қилишган эмиш. Сурбетлик билан соҳта ҳужжатлар тайёрлаш бошланди. Масалан, подполковник Чеботарев музокара олиб бориш учун вилоят ижроия комитетига келган пайтда уни ушлаб, бир хонага олиб киришди. Бу ерда ваҳшийларча калтакланган, қўлларн боғлиқ тожик бор эди. Шу заҳоти видеокамера кўтарган одам пайдо бўлди. У суратга олишни тугатмагунча Чеботаревни хонадан чиқаришмади. Нима учун шундай қилинганини пайқаш қийин эмас. «Рус офицери тожик деҳқонини қийнамоқда» деган сийқа мавзу эди бу.

Куйбишев совхозидан келган қочоқлар бизга сўзлаб беришди: бир куни «вовчик»лар уларнинг олдига бутун бир суратга олиш гуруҳини олиб келишди ва автомат ўқталиб, қўрқиб кетган одамларни «зарур» гапларни айтишга мажбур қилишди, одамларга ўқталган автоматлар суратга олингани йўқ; албатта.

Ифвогарликни тайёрлаш усули жуда жўн. Масалан, бир куни ваҳҳобийлар машинада нон олиб келиш учун кетаётган Россия полки прапоршчигини ушлаб олишди. Одамларга азоб бериш жойига айлантирилган ҳаммомга судраб киришди. Столга боғлаб шимини ечишди, унинг бир оёғи ёғочдан эканлигини шундан кейингина пайқашди. Сўнгра унга:

— Оллоҳ жазоингни берган экан... — деб қўл силтаб қўйиб юборишди.

Шу «бахтли» тасодиф бўлмаганида прапоршчикнинг ўлимини кимга тўнкаришларини айтиш қийин.

Умуман иккала томон ҳам олишувга Россия қўшинларини жалб этиш учун бор кучи билан уринмоқда. «Холис ниятли кишилар» мунтазам равишда қисмларнинг командирларини сизларга ҳали замон ҳужум қилишади, ҳужумни кутмай олдинроқ зарба уриш керак, деб огоҳлантиришмоқда. Ўша Қўрғонтепадаги полкда маҳаллий бошлиқлар тез-тез телефон қилиб танкларни олиб чиқиб, «ғанимларнинг» жанговар машиналарини отиб ташлашни талаб қилишларининг гувоҳи бўлдик. Полкнинг қаршисидаги дарахтларда ва деразаларда мерганлар ўтиришибди. Улар кўнгил очишяпти. Гоҳ штаб эшиги устидаги чироқни отиб синдиришади, гоҳ плакатда табассум қилиб турган совет аскарини ўқ билан тешишади, гоҳ кимнингдир боши узра ўқ узиб уни чўчитишади. Жангариларнинг раҳбарларидан мерганларни олиб кетишни илтимос қилишганда улар пинагини бузмай:

— Булар бизнинг одамлар эмас. Уларни ўлдиришингиз мумкин, деб жавоб қилишди.

Башарти ҳарбийлар бу маслаҳатга амал қилсалар, Россия армиясини бетараф ликни бузишда, мустақил давлатнинг ички ишларига аралашишида дарров айблашларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Тожикистондаги Россия дивизиясининг командири генерал-майор Ашуров ҳам ўз хонаси дераза ларини ўқ ўтмайдиган қилиб зирҳлаш ҳақида буйруқ беришга мажбур бўлди. «Вовчик»лар унинг калласи учун беш миллион сўм мукофот ваъда қилишган. Улар учун Ашуров — хоин, унинг ўзи ваҳҳобийларнинг таянчи бўлган ғармлик. Ҳатто «ўз халқи манфаатларини менсимаганлик учун» вазифасидан олиб ташлашни талаб қилиш мақсадида митинг ўтказишга ҳам уриниб кўришди. Умуман Ашуровга бўйсунган қўшинни Россия қўшини деб аташ қийинроқ. Аскарлар ва сержантларнинг 95 фоизи маҳаллий йигитлардир. Уларга хавфсизлик мақсадларини кўзлаб қурол берилмаган. Қўмондонликнинг бутун умиди разведка батальони ва офицерларда.

...Қўрғонтепадан чиқиб кетадиган пайт келди. Биз жўнаб кетадиган куни эрталаб темир йўлни тўсиб қўйишди. Душанбега борадиган камдан-кам автобусларга одамлар катта пул эвазига жангарилар назоратида чиқарилар эди. Полк командири ўзининг «Уазик» машинасини Қизилқалъагача бериб турди, расмий жиҳатдан шу ердаги кўприкда уруш ҳаракатлари зонаси тугар эди. Биз йўлга чиқдик. Худога шукурки «вовчик»ларнинг постидаги тўхтатиш, ҳамма ҳақоратларга қарамай тинтувдан омон-эсон қутулдик. Маънавий хўрлашлардан ташқари аскар шофёрнинг ботинкасини ечиб олишди.

Кутилмаганда Қизилқалъа шлагбауми олдида бизга Испания ЭФЕ агентлигининг мухбири чилилик Бернардо Суареаз Индарт пешвоз чиқди. «Қонталаш нуқталарда» бошқаларга нисбатан кўпроқ ишлаган бу мухбир бизнинг аҳволимизни яхшироқ тушунарди. У транспорт хусусида ёрдам бериш тўғрисида Душанбе билан бефойда музокараларимиздан ҳамкасблари орқали хабар топибди. Агентликнинг розилигини олгач бизни уруш ҳаракатлари зонасидан олиб чиқиб кетишни ташкил қилди...


Душанбега қайтаётганимизда йўл четларида болалар ҳали яхши пишмаган анорнинг бир пақирини юз сўмдан сотиб ўтиришарди. Савдолашиб нархини тенг баравар тушириш мумкин эди. Чунки харидор йўқ. Кўпдан буён бу йўлдан қочоқлардан бошқа ҳеч ким ўтмайди.

(«Известия»нинг 1992 йил 16 сентябрь сонидан).



Қўрғонтепадаги зўравонлик қурбонлари. Муаллифлар олган сурат.

И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ



КАМОЛОТ НИШОНАСИ

Айрим дарахтларнинг бутун хоссалари кичик бир мағизига жо бўлганидек, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли ҳажман кичик, аммо мазмунан пур маъноли китобида республикамизнинг келгуси тараққиёт йўллари равшан кўрсатилган. Рисолада Ўзбекистоннинг кейинги даврдаги тарихига ўзига хос якун ясалади ва мустақил тараққиёт йўлимиз хусусида чуқур мулоҳазалар, дастури амал йўл-йўриқлар битилган.

Мен узоқ йиллардан буён физиканинг махсус соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бораман. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида, авиация ва космик тадқиқотларда қўлланилаётган ярим ўтказгичларнинг хоссаларини тадқиқ этиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда улушим борлигидан фахрланаман. Тўғри, илгари Фарғона давлат дорилфунунининг мен раҳбарлик қилаётган ярим ўтказгичлар кафедрасида яратилган кашфиётларнинг аксарияти Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа шимолий республикаларидагина амалда фойдаланишарди. Асосан хом ашё етиштириш ўлкаси бўлиб қолган Ўзбекистонда илм-фаннинг ўта замонавий соҳаларини тараққий эттиришга интилиш кучли бўлсада, марказ бундай интилишлар йўлига турли-туман тўсиқлар қўйиб келди. Натижада фандаги энг янги махсус соҳалар билан шуғулланувчи олимлар асосан республикадан ташқарида ишлашга мажбур эдилар. Бунинг оқибатида ҳозирда республикада юқори малакали техникавий билимга эга, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тез ва соз жорий этишга қобил кадрларга танқислик сезилиб қоляпти.

Ислом Каримовнинг китобида Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўзининг юқори малакали кадрларига эга бўлмай туриб хом хаёл бўлиб қолиши мумкинлиги жуда тўғри таъкидланган. Унда миллий таълим тизимини мутлақо қайта қуриш, бу жараёнда Ўзбекистоннинг ўзига хос томонлари, халқ турмушининг миллий-психологик хусусиятларига асосланган тизимини яратиш, умумжаҳон ва Шарқ таълимининг энг яхши ютуқларини бу тизимда уйғунлаштириш йўллари белгиланган. Билим даргоҳларининг янги шакллари — гимназия, лицей ва коллежлар барпо этиш замон талабидир. Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистоннинг бир қатор иқтидорли ёшлари ривожланган чет эл мамлакатларининг етакчи илмий марказларига ўқиш ва малака ошириш учун юборилмоқда. Бу йил Туркия, АҚШ ва бошқа мамлакатларга ёшларимизнинг ўқишга юборилиши Президентимиз режалари амалга ошаётганидан далолат беради. Бу йил бир гуруҳ фарғоналик талабаларнинг ҳам чет элларга илм олиш учун жўнаб кетганлари биз — олимларнинг қалбини келажакка ишонч ва ғурур ҳисси билан тўлдирди.

Рисолада мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётини жадаллаштириш йўллари аниқ-ойдин белгилаб берилганлиги диққатга сазовордир. Ҳар бир касб, илм ва ҳунар эгаси бундан ўзига керакли маънавий озиқ, тегишли фикрларни топади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китоби келгуси тараққиётимиз учун хизмат қиладиган ўзига хос машъала бўлиб қолади.

А. ОТАҚУЛОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номли Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати. Фарғона вилояти.

ЭЗГУ ИШЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини ўқиб, ҳаяжонимни босолмадим.

Дарҳақиқат, «ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий — давлат, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозирча яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади».

Бизнинг авлод зиммасига эса эзгу йўлнинг бошида туришдек фахрли ва масъулиятли вазифа юкланган. Ҳаракат маромини қандай сақласак, шундай тез, чинакам мустақиллик манзилига етамиз. Бу — ишнинг қай даражада ташкил қилинишига халқимиз ғайрат-шижоатига боғлиқ. Қанча кўп ва сифатли маҳсулот етиштирсак, шунчалик яхши яшаймиз.

Ўн икки йилдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Ҳали бирон марта йиллик режани уддаламаган пайтимиз бўлмаган. Аксинча, йил сайин ҳосилдорликни оширяпмиз. Ўтган йили гектар бошига 39 центнердан ҳосил етиштирган бўлсак, бу йил 40 центнерни кўзламоқдамиз. Бригаданинг Майрам Сатторова, Собира Жалилова, Сувон Собиров сингари сергайрат аъзолари туфайли далада кўзлангандан зиёда ҳосил етиштирилган. Эртаиндин йиғим-теримга киришамиз.

Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлидаги ҳаракатини амалий натижалар билан таъминлаймиз.

Жалол РИЗВОНОВ,
Ғиждувон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.

ЖАМОА АҲЛИГА— 200 ТОННА БУҒДОЙ

● Урганч районидаги «Оқ олтин» (собиқ Чапаев номли) жамоа хўжалигида деҳқон ва чорвадорларнинг иқтисмоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилаётир.

Хўжаликда бу йил 95 гектар майдонда кузги буғдой етиштирилиб, ҳар гектаридан 22 центнердан хирмон кўтарилди, 50 тоннадан ортиғи сотилди. Эл хазинасига 400 минг сўм кирим қилинди. 200 тонна буғдой жамоа аҳлига тарқатиш учун ғамлаб қўйилди. Ҳар бир хонадонга 100 килограммдан бепул, 800 оилага эса арзон нархда буғдой берилди. Чорва моллари парваришлаётган хонадонларга 150 тонна сомон тарқатилди. Қишлоқда боқувчисини йўқотган 50 га яқин муҳтож оилаларга ҳам 50 килограммдан буғдой хайрия қилинди.

— Жамоада шилла қурти боқадиганлар учун ҳам алоҳида ҳиммат кўрсатишга қарор қилдик, — дейди бошқарув раиси Отажон Чўпонов. — Бундан буён қурт боқадиган оилалар қўшимча хона қуриш истагини билдиришса, уларга 10 минг дона пишиқ ғишт колхоз ҳисобидан бепул берилади. Шунингдек, шахсий уй-жой ҳамда молхона қурувчилар учун ҳам ана шундай ҳайрия адо этилади. Жумладан, уй қурувчиларга 4 минг донадан, молхона қурувчиларга эса икки минг донадан пишиқ ғишт жамоа ҳисобидан ажратилади.

Янги уйга кўчиб ўтганлар, ёш келин-куёвларнинг оилалари ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Улар 122 бош бузоқ, 6500 бош парранда, 18 бош қўй-қўзи билан таъминланди.

Ўз мухбиримиз.

● ХДП: бошланғич ташкилот ёрдам сўрайди

● «Партия бозор муносабатлари аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжлари устиворлигини таъминлайдиган, ҳар томонлама ўйлаб ёндашилган ва англаб етилган ислоҳотлар асосида шаклланганлигини маъқуллайди. У кўп укладли иқтисодиётга ўтиш, мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, ишбилармонлик, яхши ниятдаги даромадгирлик ва хусусий мулкчиликни рағбатлантириш, одамларнинг баракали меҳнат қилишга бўлган ишончини, қизиқишини оширадиган моддий рағбатлантириш омилларини ривожлантириш тарафдоридир», дейилади Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида.

Бухоро вилоятн қишлоқ хўжалигини таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмаси Чорбакир кўчма механизациялашган колоннаси партия ташкилоти Дастурда баён этилган бу қоидани амалга ошириш йўлида дуч келаётган қийинчиликларни ўз йиғилишида муҳокама қилди. ХДП аъзолари вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам сўраб вилоят ҳокимига мурожаат этишга қарор қилдилар. Масала ҳал бўлавермагач, «Ўзбекистон овози» газетасига ўз дардларини айтишга мажбур бўлдилар.

ИЖАРА КИШГА ЁҚМАЯПТИ?

Колонна бошлиғи Одил ака Муродов билан бундан кўп йиллар муқаддам танишганмиз. Ўшанда у «Сельхозтехника» республика бирлашмасининг Бухородаги мотор-ремонт заводида директорлик қиларди. Кўп ўтмай қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини миридан сиригача биладиган муҳандис «Сельхозтехника» вилоят бирлашмаси раисининг биринчи муовинлигига кўтарилди. 1976 йилда эса тажриба тарзида чорвачиликни механизациялаштиришга ихтисослаштирилган кўчма колоннани ташкил этди.

Янги колонна қисқа вақт ичида бу соҳадаги ишларни узил-кесил ўз қўлига олиб, яхши натижалари билан кўзга кўриниб қолди. Тоза иш янги мижозларни кўпайтирди, буюртмалар сони ошиб, пировардида кўчма колонна вилоятдаги йирик бирлашмага айланди. Унинг таркибида ишлаб чиқариш-техника таъминоти бошқармаси, районлардаги кўчма колонна ва участкалар, темир-бетон буюмлари заводи, дурадгорлик цехи ва бошқа ёрдамчи бўлинмалар ташкил этилди. Йиллик қурилиш-монтаж ишлари 6 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Республикада Навоий вилояти ташкил этилгач, ташаббускор раҳбар янги вилоят қишлоқ хўжалик техникаси бирлашмасига раис этиб сайланди, кейинчалик вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раислигига кўтарилди. Аммо Бухорода у бошлаб берган иш пароканда-ликка учради. Ундан кейин раҳбарликка келган ходимлар уқувсизлиги сабабли йирик бирлашма бир неча йил ичида майда корхоналарга парчаланиб, молмулк талон-тарож қилинди.

Замонанинг зайли билан Навоий вилояти тугатилиб О. Муродовни иш билан таъминлаш масаласи кўтарилганида колонна меҳнат аҳли уни ўз сафларига қайтариши талаб қилди. Зероки ишчиларнинг энг яхши кунлари мана шу раҳбар фаолияти билан боғлиқ бўлганди-да. Ҳамма оёққа тургач талабни қондиришга тўғри келди.

Одил Муродов қадрдон меҳнат жамоасига қайтиб келгач қийинчиликлардан чиқишни хўжалик ҳисобига кенг йўл очиб беришдан бошлади. Чинакам моддий манфаатдорликни қайтадан ҳис қилган ишчилар яна икки-уч ҳисса кўпроқ унум билан ишлай бошладилар. Юксалишнинг иккинчи босқичида колонна жамоаси вилоят бирлашмасидан ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситаларини ижарага беришни сўради.

Сирасини айтганда бу вақтга келиб, районлардаги кўчма колонна ва кўпчилик участкалар аллақачон тугатилган, темир-бетон буюмлари заводи, дурадгорлик цехи ва бошқа ёрдамчи бўлимлар бошқа ташкилотлар қарамоғига ўтказиб юборилган, колонна қўлида қуруқ бинодан бошқа ҳеч қандай восита қолмаганди.

Шундай бўлишига қарамай бирлашма ижарага рухсат бермади. Меҳнат жамоаси маҳаллий ҳокимият орқали ижарага рухсат олишга уриниб кўрди. Низонинг моҳияти вилоят раҳбарларига етиб боргач, бирлашма колонна жамоаси билан ижарага шартнома тузишга мажбур бўлди. Бироқ шунда ҳам у зимдан ижарачилар ишига тўсқинлик қилишни давом эттираверди. Масалан, гарчи тузилган шартномада муҳим масалалар ижарачилар билан келишилган ҳолда ҳал қилиниши қайд этилган бўлсада, вилоят бирлашмасининг буйруғи билан колоннанинг Олотдаги хўжалик ҳисобидаги участкаси ўзбошимчалик билан колонна ҳисобидан чиқарилди. Бундан ташқари Олот участкаси бошлиғи А. Баҳромов колоннадан олган ишлаб чиқариш воситаларини қайтариш ўёқда турсин, ҳатто колонна ҳисобида бўлган пайтида бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот беришни ҳам лозим кўрмади.

Жамоа юқори ташкилотлар, шу жумладан ҳуқуқ тартибот органларига шикоят қилишга мажбур бўлди. Қишлоқ хўжалигини таъминлаш ва таъмирлаш республика бирлашмаси («Узагроснабремонт») раҳбарияти вилоят бирлашмасига буйруқни бекор қилишни топширди. Файзўлла Хўжаев район ҳамда вилоят прокуратуралари бирлашманинг қонунга хилоф буйруғи бўйича протест киритдилар. Лекин вилоят бирлашмаси раҳбарияти буларнинг ҳаммасини инобатга олиш у ёқда турсин аксинча ўзи қарши ҳужумга ўтди.

Бирлашма вилоят ҳакамлик судига Чорбакир кўчма колоннаси билан тузилган шартномани бекор қилиш даъвоси билан мурожаат қилди. Суд масалани кўриб чиқиб ижарачи томонидан бирлашма мулкига зиён етказилмагани, ўзаро шартномани қўпол тарзда бузиш ҳоллари содир бўлмаганини назарга олиб, даъволарни рад этди.

Ижарачи жамоа эса ўз навбатида бирлашманинг қонунсиз буйруғини инкор этиб Олот участкаси томонидан ўзлаштирилган мулкни қайтариб олиш даъвоси билан чиқди. Ҳакамлик суди бу даъвони ҳам синчиклаб ўрганиб, Олот участкаси қонунга хилоф равишда ижара жамоасидан олинган 37 минг 827 сўмлик мулкни қайтариб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Бу мулк Т—28 трактори, вагон-уй, яна баъзи хўжалик жиҳозларидан иборат эди. Қарорнинг ижроси Олот райони судига топширилди. Олотлик қонун посбонлари эса унинг ижросини уч ойдан буён чўзиб юришибди.

Айтишларича Олот участкаси бошлиғи А. Баҳромов район ҳокими Г. Ботировга қариндош эмиш. Улар шундан ҳайиқишяптими ёки бошқа муаммо борми, бизга номаълум. Ҳар ҳолда Олотдан колоннага бир пайтлар олинган туппа-тузук трактор ўрнига темир-терсак келтириб ташланди, бошқа мулк ва жиҳозлардан эса ҳамон дарак йўқ. Мана шундай қилиб ижарачилар тўрт томондан тазйиққа учрамоқдалар.

Хўш, вилоятдаги йирик бирлашмалардан бирига ўз қарамоғидаги меҳнат жамоаси билан судлашиб юриш ярашадими? Йўқ, албатта. Бўлмаса, ижарачилар фаолиятига кўрсатилаётган қаршиликнинг боиси нимада?

Бунинг боиси бирлашма раиси И. Ҳайдаров билан колонна бошлиғи О. Муродов ўртасидаги қандайдир шахсий адоватда ҳам эмас. Ҳамма гап икки жамоанинг манфаатдорлигига бориб тақалмоқда. Колонна жамоаси эндиликда ижара олишнинг манфаатини яхши билиб олди, ишчиларда хўжайинлик туйғуси пайдо бўлди. Уларнинг ўртача ойлик маоши эса 5000 сўмдан ошиб кетади. Энди ишчилар ҳеч қачон эскича тартибда ишлашга қайтишни исташмайди.

Бирлашма жамоаси эса ижара сабабли даромаднинг каттагина манбаидан маҳрум бўлди. Илгари бирлашма раҳбарияти лозим кўрган тақдирда колонна ҳисобидан истаганча маблағни ўз эҳтиёжлари учун чегириб олиб сарфлайвериши мумкин эди. Энди бўлса ижара ҳақи билан қаноатланишга мажбурлар. Бозор иқтисодиёти эса уларни ҳам тўрт томондан қисувга олган, бирлашма аппаратидаги кўпдан-кўп ходимларни маош билан таъминлаш учун маблағ етишмаётганга ўхшайди.

Биз кўчма колоннада бўлиб, бошланғич партия ташкилоти котиби А. Гойибов билан учрашдик. Олий маълумотли муҳандис бригада бошлиғи бўлиб ишлаяпти, чунки ижара ортиқча штатларни сақлашга имкон бермайди, ҳамманинг қаттиқ ишлашини тақозо этади.

— Жамоанинг қарори қатъий, — деди у биз билан суҳбатда, — ижарачиликдан асло қайтмаймиз, бунга тўсқинлик қилаётган раҳбарлар фаолиятига партиявий баҳомизни берамиз.

Котиб ҳақ. Ижарачилар тўғри йўлдан боришяпти. Бу йўл ХДП Дастурида белгиланган йўлдир. Унга тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



● Самарқанд шаҳридаги консерва заводининг томат цехи ишчилари ҳар сменада 3,5 минг банка уч литрлик помидор шарбати ишлаб чиқаришмоқда.

СУРАТДА: корхонада 27 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган ишчи Туҳфа Абдалиева.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

Акс-садо

«АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА. НОМИНИ СИЗ ҚЎЙИНГ, МУШТАРИЙ!»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 30 ИЮЛЬ, 1992 ЙИЛ

● Хатлар, телефон қўнғироқлари, фикр-мулоҳазалар... Юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилиши билан кўпчилик муштарийлар фаоллашиб қолдилар. Уларнинг баъзилари — газетани топгунимизча бироз фурсат ўтди, ҳали ҳам мулоҳаза билдирсак бўладими, дейишса, бошқалари — газетани киоскалардан излаб овора бўлганлари, «Ўзбекистон овози»га ёзилган таништларидан олиб ўқиб, фикрларини таваккал йўллаётганликларини таъкидлашибди. Бундайларга айтадиган гапимиз шу: ГАЗЕТАНИ МУНТАЗАМ ЎҚИБ БОРИШНИНГ ЯГОНА ВА ИШОНЧЛИ ЙЎЛИ — УНГА ОБУНА БЎЛИШ! Энди Асакада ишлаб чиқариладиган машиналарга ном қўйишга келсак, бу ҳақда турли фикрлар билдирилмоқда. Қуйида шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«ТУРОН» ДЕБ АТАЛСА...

Мустақиллик кўнглимизни кўтарди, иқтисодимиз ҳам мустаҳкамланишига кўзимиз етиб қолди. Мустақилликни қўлга киритганимизга эндигина бир йил бўлди. Ўзгариш нишоналари сезила бошлади.

Шулардан бири Андижонда, Асакада автомобилсозлик корхонаси барпо этишга киришилганидир. Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиё бепоён минтақасида ҳам биринчи марта автомобилсозлик тармоғига асос солинаётгани диққатга сазовор. Шуни назарга олиб, Асака автомобиль корхонаси конвейеридан тушган дастлабки машинани «Турон» деб аташни таклиф этаман. Бу ном минтақамиз қадимги тарихий номини ҳар қадамда эслатиб турган бўлур эди.

Чунки узоқ тарихга эга халқларимиз яшаган минтақа турли даврларда ҳар хил аталиб келди. Ўрта Осиё деб номлаб турганимиз катта минтақа бир вақтлар Турон деб аталган. Ҳозир эса ёшларимиз тугул ўзимиз ҳам янглишиб кетганмиз. Туркистон ўлкаси дедик, Мовароуннаҳр дедик, Ўрта Осиё деб атаяпмиз. Саноатимизнинг янги тармоғи нишона маҳсулоти Асака корхонаси конвейеридан тушган автомобилга «Турон» номи ярашиқли деб ўйлайман.

Раҳимахон СУЛТОНОВА,
Тўрткўл шаҳри, мактаб директори.

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР:

«Експресс Градньа» — Шўрчида Ҳунармандчиликдан — илғор технологияга Атлас тўқиш фабрикаси... икки ойда қурилади

Мамашева Шарофат деган қиз ҳозир замонабоп пойабзал—туфли тикаяпти. У Шўрчидаги Киров номи билан аталаётган жамоа хўжалигининг «8 Март» қишлоғидан. Ҳали ўқувчилик йиллари қирқ беш даража иссиқда ғўза чопган, миттигина гавдаси билан эллик кило пахтани елкасига қўйиб хирмонга ташиган қиз. Қишлоқда қизлар ҳозир ҳам пахтазорга кириш олдидан қўёш куйдирмасин деб, юзларини оқ мато билан чирмаб олишади ва бир қарашда совут кийган сипоҳларга ўхшаб қолишади.

Шарофатга шунақанги «совут» ёқмасди — нафас олишни қийинлаштирар эди.

Шарофат ўқишни орзу қиларди. Ёз ойлари дераза-сидаги совутгичлар «ғурилаб» ишлаб турадиган хоналарда ишлашни орзу қиларди, ўқий олмади. Лекин шу йил район марказида очилган пойабзал тикиш цехига ишга кирди. Эрдонаев Шовли деганда иш ўрганди, касб ўрганди.


Эрдонаевлар бўлса косибликни Уфа шаҳрининг пойабзал фабрикасидан ўрганиб қайтишган. Фабриканинг Табир Келдиёров деган каттаси қондошлигини кўрсатди. Шўрчиликларга цех очишда ёрдам қилди, косибларни ҳозир ярми хом ашё билан таъминлаб турипти. Агар қўлингизга бежиримгина, ҳатто попилдириқли қилиб тикилган Шўрчининг пойабзали тушиб қолса, билингки, бу Шарофатнинг, у билан бирга ишлаётган Санобар, Зулхумор, Комил, Жуманазар, Абдураҳим каби оддийгина машиналар билан, ҳатто ҳунармандчилик —косиблик йўриғи билан ишлаётганларнинг хизматидир.

Шўрчи ҳокимининг қурилиш бўйича муовини, ҳудди ишчиларга ўхшаб кийиниб юрадиган йигит Ўрол Мавлонов: «Ҳали кўрасиз, Шўрчи ўзининг қудратли пойафзал фабрикасига эга бўлади», деди.

Ўрол Мавлонов ҳақ. Ҳозирги кунда Шўрчи ҳокимлигининг ихтиёрида 2 та пойабзал фабрикаси, 3 та ишлаб чиқариш цехи, 2 та ҳунармандчилик артели бор. Ҳаммаси бўлиб 1500 киши ишлайди. Ҳокимлик ихтиёрида 2 та ўрта мактаб, 2 та саккизйиллик мактаб, 2 та болалар боғчаси, 2 та поликлиника, 2 та врачлик амбулаторияси, 2 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 2 та аптека, 2 та ошхона, 2 та кутубхона, 2 та клуб, 2 та спорт майдончаси, 2 та стадион, 2 та ҳаммом, 2 та кинотеатр, 2 та кўчма кинотеатр, 2 та кўчма кутубхона, 2 та кўчма ошхона, 2 та кўчма ҳаммом, 2 та кўчма клуб, 2 та кўчма спорт майдончаси, 2 та кўчма стадион

• «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ»

ФОТОКОНКУРСИГА



Янграйвер, доира!

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЮКСАК УНВОН МУБОРАК, МАСЪУД АКА!



Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Президент Фармонига биноан, Узбекистон Давлат Газлаштириш лойиҳа-қидирув илмгоҳи директорининг муовини Узбекистонда газ саноатини ва аҳолининг уй-жойларини газлаштириш борасида фаол ташкилотчилардан бири, касбдошимиз Масъуд ШУКУРЖОНОВ Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 150 нафар ҳайдовчиси бугдой ўримида қатнашиш учун Қозоғистон республикасига кетган эди. Улар Узбекистоннинг Мустақиллик байрамини қўшни давлатнинг Кўкчатов вилояти галлазорларида нишонладилар.

— Ҳайдовчиларимиз бугдой ўрими тугагунча қозоғистонлик деҳқонлар билан ёнма-ён туриб ишладилар,— дейди 2508-автомобиль корхонаси директорининг муовини Ҳамидулло Мадраҳимов. — Ўзаро шартнома бўйича қозоқ дўстларимиз кўрсатган ёрдамимиз эвазига бизга 1 миллион 200 минг тонна бугдой берадилар. Бундан ташқари йўл ҳаражати ҳам дўстларимиз ҳисобидан бўлади.

Шунингдек, Қозоғистон билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айирбошлаш тўғрисида ҳам шартнома тузилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

ҚАШҚАДАРЁ

ТУРКИЯ ВА ОЛМОНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ

● ШЎРТАНДА Олмония билан ҳамкорликда жунни қайта ишлаш заводи барпо этилмоқда.

Бу билан йилига 3,5 минг тонна жунни қайта ишлаш имконияти яратилади. Корхонани йил охиригача битказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, бу ерда Туркия билан ҳамкорликда «Олтин қоракўл» қўшма корхонаси ҳам тезкорлик билан қурилмоқда. Корхонада ҳар йили 100 минг дона терига қайта ишлов берилади. Ҳар иккала қўшма корхонанинг буюртмачиси Қашқадарё вилояти мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш кооператив бирлашмасидир. Бу корхоналар ишга тушгач, Ғузор районида меҳнатга яроқли 200 дан кўпроқ киши ишчи ўрни билан таъминланади.

Мусо КАРОМОВ.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● АНДИЖОН

БАЙРАМНИ ҚОЗОҒИСТОНДА НИШОНЛАДИЛАР

● ВИЛОЯТ автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмасининг 150 нафар ҳайдовчиси бугдой ўримида қатнашиш учун Қозоғистон республикасига кетган эди. Улар Узбекистоннинг Мустақиллик байрамини қўшни давлатнинг Кўкчатов вилояти галлазорларида нишонладилар.

— Ҳайдовчиларимиз бугдой ўрими тугагунча қозоғистонлик деҳқонлар билан ёнма-ён туриб ишладилар,— дейди 2508-автомобиль корхонаси директорининг муовини Ҳамидулло Мадраҳимов. — Ўзаро шартнома бўйича қозоқ дўстларимиз кўрсатган ёрдамимиз эвазига бизга 1 миллион 200 минг тонна бугдой берадилар. Бундан ташқари йўл ҳаражати ҳам дўстларимиз ҳисобидан бўлади.

Шунингдек, Қозоғистон билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айирбошлаш тўғрисида ҳам шартнома тузилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

ҚАШҚАДАРЁ

ТУРКИЯ ВА ОЛМОНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ

● ШЎРТАНДА Олмония билан ҳамкорликда жунни қайта ишлаш заводи барпо этилмоқда.

Бу билан йилига 3,5 минг тонна жунни қайта ишлаш имконияти яратилади. Корхонани йил охиригача битказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, бу ерда Туркия билан ҳамкорликда «Олтин қоракўл» қўшма корхонаси ҳам тезкорлик билан қурилмоқда. Корхонада ҳар йили 100 минг дона терига қайта ишлов берилади. Ҳар иккала қўшма корхонанинг буюртмачиси Қашқадарё вилояти мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш кооператив бирлашмасидир. Бу корхоналар ишга тушгач, Ғузор районида меҳнатга яроқли 200 дан кўпроқ киши ишчи ўрни билан таъминланади.

Мусо КАРОМОВ.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

— Яқин кишиларингизга газета орқали табрик, истаклар айтиш ниятингиз борми?

— Жамоангиздаги илғор ходимларни муҳим саналар, мукофотлар билан табриклашни хоҳлайсизми?

«Ўзбекистон овози» бу хизматга тайёр. Бунинг учун бир энлик хат ёки битта қўнғироқ кифоя. Телефонларимиз: 33-41-89, 32-54-14.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ШАРОФ РАШИДОВ— ЧЎЛҚУВАРЛАР ҚАЛБИДА.

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА-ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ТЕЛЕВИЗОРЛАР БУХОРОДА ЙИҒИЛАДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН хаво йўллари

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ХАЛҚАРО АВИАКОМПАНИЯСИ ЭНГ СОЗ ВА ХАФСИЗ

Ўзбек авиакомпанияси самолётлари Истанбул, Деҳли, Жидда, Тель-Авив, Шаржа, Қаула-Лампур, Урумчи, Карочи шаҳарларига тўғридан-тўғри рейсни енгил қўниш билан амалга оширади.


Хизмат кўрсатиш сифати — жаҳон стандартлари даражасида. ТУ-154, ИЛ-62, ИЛ-86 замонавий авиалайнерлари бортида сизнинг энг шинам меҳмонхона ва уй шароитидагидек хавфсиз бўлишингиз таъминланади.

ЭКЗОТИКА — Шарқнинг ўзига ҳос бетакрор манзаралари ва меъморчилиги ҳозирга қадар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган.

БИЗНЕС — Бу хусусий ва олий даражадаги ғоят фойдали ишбилармонлик ва савдо алоқаларидир.

ДАМ ОЛИШ — Сизнинг куч-қувватингизни ва маънавий имкониятларингизни оширади.

ШАРҚ СИРЛАРИ БИЛАН ОШНО БЎЛИШ ЙЎЛЛАРИГА ФАҚАТ «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» АВИАКОМПАНИЯСИ ОРҚАЛИ ЭРИШАСИЗ.



УЧИШ — МАҲАЛЛИЙ ВАҚТ БИЛАН

БАРЧА КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ АВИАКОМПАНИЯНИНГ ХАЛҚАРО БЎЛИМИДАН ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 41-уй.

Телефон: 32-73-77.

АВИАРЕКЛАМА

DIALOG INTERNATIONAL, INC, USA

INTERNATIONAL TRADE AND MANAGEMENT CO.

АМЕРИКАНИНГ «ДИАЛОГ ИНТЕРНЕШНЛ» ФИРМАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

барча манфаатдор корхоналар ва ишбилармонларни

ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Фирма контракт бўйича ва ҳамён кўтарадиган нархларда кийим-кечак, оёқ кийими, мебель, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший техника, электроника, тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи асбоб-ускуналарни, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш кичик техникасини етказиб бериш имкониятига эга ҳамда асбоб-ускуналарнинг бенуқсон ишлашини таъминлайди.

ФИРМА ҚУШМА КОРХОНАЛАР МУАССИСИ БЎЛИБ, КОРХОНАЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА, ШУ ЖУМЛАДАН ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ҚАТНАШМОҚДА.

1992 йил 28—29 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида

«ДИАЛОГ ИНТЕРНЕШНЛ» (АҚШ) ФИРМАСИ

МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ва УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТАҚДИМОТИ ўтказилади.

Кўргазмага ташриф таклиф қоғозлари бўйича

Алоқа телефонлари: 33-58-31, 33-73-81.

Факс: 56-09-14.

УЧҚЎРҒОН РАЙОН ЗИЁЛИЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ УЮШМАСИ ҚОШИДАГИ ХАЛҚ ДОРИЛФУНУНИ

хоҳловчиларни қуйидаги куллиётларга

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. БИЗНЕС МАКТАБИ: (ИШБИЛАРМОНЛИК, ДАРОМАДГИРЛИК) БРОКЕР, МАРКЕТИНГ КАСБЛАРИ БЎЙИЧА ўқиш муддати — 15 кун
2. ҲИСОБЧИЛИК: (КОРХОНА, МУАССАСА, ҚЎШМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ҲИСОБ-КИТОБНИ ЮРИТИШ) — ўқиш муддати — 3 ой
3. ОИЛАВИЙ ҲАМШИРА — ўқиш муддати — 3 ой
4. БЕЗАТУВЧИ РАССОМ, НАҚҚОШЛИК — ўқиш муддати — 6 ой
5. АРАБ ТИЛИ — ўқиш муддати — 2 йил
6. ИШ ЮРИТУВЧИЛИК — ўқиш муддати — 3 ой
7. ҲУҚУҚШУНОСЛИК —ўқиш муддати — 6 ой

Машғулотлар пуллик. Ўқишга 17 ёшдан катта бўлган ўрта маълумотли барча фуқаролар қабул қилинади. Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳномалар берилади.

Манзилгоҳимиз: Учқўрғон шаҳри. Дўстлик кўчаси 33-уй.

Телефон: 2-22-60.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Жамғарма Банки

1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

— 250, 500, 1000 сўм қийматидаги облигацияларда 20 йил муддатга чиқарилган.

1000 сўмлик облигация битта сериядаги икки рақамли иккита беш юз сўмлик облигациядан иборат, 250 сўмлик облигация эса беш юз сўмлик облигациянинг ярми ҳисобланади.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА.

Жамғарма банки Сизнинг хоҳишингизга кўра облигацияларни сақлаб бериш учун қабул қилади ва облигациянгизга чиққан ютуқлар тўғрисида Сизни хабардор қилиб боради.

Облигацияларнинг бутлиги давлат томонидан кафолатланади!

Ютуқлар беш юз сўмлик облигацияга заём баҳосини ҳам қўшиб ҳисобланганда 250 000, 100 000, 50 000, 25 000, 10 000 5000, 2000 сўм миқдорида белгиланган.

2-ТИРАЖ — 1992 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА УРГАНЧ ШАҲРИДА

3-ТИРАЖ — 1992 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ

1993 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲАР ЙИЛИ НАВБАТДАГИ ТИРАЖЛАР ЙИЛНИНГ ҲАР ЧОРАГИДАГИ ОХИРГИ ОЙНИНГ 30-КУНИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

...ВА СИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА КУТАМИЗ!

Шартлашилган баҳода, исталган миқдорда ўлчами 22 ммдан—75 ммгача бўлган «звёздочка» калити (ключ)ни

ТАЁРЛАЙМИЗ ВА ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Бизнинг манзилгоҳ: 700084, Тошкент, Муртазоев кўчаси, 8-уй, «Ўртаосиё энерготаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

МАРҒИЛОН ТРАКТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

«ҚАМАЗ» автомашинаси моторига эҳтиёт қисмлар: (двигателига) 1000128, 1002011 дан 1009050 гача, 1011014 дан 1017350 гача, 1022820 дан 1029286 гача, 1104300 дан 1318174 гача группаларини

СОТАДИ

Манзилгоҳимиз: Марғилон шаҳри, Н. Холматова кўчаси, 174-уй.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри жамоаси — театр ходими, Ўзбекистон халқ артисти, СССР ва Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотларининг совриндори

Саъдихон ТАБИБУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—22.30.
Г—340 № 183. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.